


Бугун Ўзбекистон IX спартакиадаси очилади



Суратда: 1. «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг энг кучли оғир атлети катиларидан А. Н. Дьяченко 130 килограмм штангага қўтармоқда. 2. СССР Халқлари Спартакиадаси олдидан 800 метрга эришкан астафетаси. Г. Кацаринис фотолари.

Атлетикачи Кузнецов

Георгий Кузнецов 20 ёшдан бошлаб спортга қизиқа бошлади. У дастлаб коньки спортини яхши кўради, кейинроқ эса сузиш спортини танлади. Бироқ вақт ўтганча, енгил атлетика бўйича машғулотлар ўтказди. Жисмоний жиҳатдан кучли бўлган Георгий Кузнецов спортнинг оғир тури билан шуғулланишга ҳаракат қилди.

У дастлаб ҳарқид оғирликдаги вазирлар кўтаринишда бир мунча қийинчиликларга дуч келди, бу қийинчиликлар ёш спортчини енга олмади. У ҳақиқий оғир атлетикачи бўлиб етганини, мусобақаларда қатнашиш ва яқинда чикни оради билан аниқлади.

Георгий тренировка машғулотларига актив иштирок эта бошлади. Жиддий тайёргарликлардан сўнг ёш спортчи 1951 йилда биринчи разряд нормасини топиришга муваффақ бўлди.

Георгий Кузнецов бир йил ўтганда Урта Осиё ва Қозғистон республикалари биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашди. У, бу мусобақаларда

қатнашиб, жам билан 102 килограмм, ривок билан 102 килограмм ва тоҷик билан 132 килограмм оғирликдаги штангага кўтарди. Георгий енгил вазирлар оғир атлетикачидир. Бу юксак натижага учун Георгийга СССР спорт мастери деган унвон берилди. Кузнецов бу мусобақаларда Урта Осиё

лиги учун ўтказилган мусобақаларда бир неча марта чемпион бўлди. 1956 йилда Георгий Ўзбекистон қандаш биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда тереборбеда 352,5 килограмм натижага эга бўлиб, чемпион номини олди.

«Локомотив» спорт жамиятининг шарафини учун курашиш келган спорт мастери Георгий Кузнецов штанга бўйича Ўзбекистон тарма қандашга алоқ қилиб олди. У, «Визгардия» кинотеатри астафетасида қатнашиб, Ўзбекистоннинг ишонини оқлайди ва штанга бўйича юксак натижаларга эришди. Биз бунга ишонимиз!

А. НИМ.

Хирург — спортчи

Мен 10 ёшимдан бошлаб боксга қизиқа бошладим. Тренер ўртоқ Давидов менга: «Дева, даимроқ ҳаракат қил, жамини сақла, очик қўлоқ билан урма, ўз рақибларинг билан кураш давомида ҳар қил тактикаларни қўлла» деб кўн маслаҳатлар берар эди. У вақтларда мен «Динамо» жамиятидаги машғулотларга қатнашиб, тренерим маслаҳатларига қўлоқ солиш ва яхши натижаларга эришим. Сўнг биринчи разрядни босиб номини олдим. Кейинроқ эса масъулиятли мусобақаларда қатнаша бошладим. Натижада Урта Осиё, Қозғистон республикалари биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда икки марта чемпион унвонини олдим.

Боксдан ташқари «Медик» жамиятида, (ҳозирги «Буревестник») отиш билан шуғуллана бошладим. 1947 йилда отиш бўйича учинчи разряд нормативини бажардим. Бир йил ўтганча, иккинчи разряд, икки йил ўтганча эса, биринчи разряди спортчи бўлдим.

1953 йилда Ленинградда бориб, Бутунитифоқ мусобақаларида қатнашини шарафига муносиб бўлдим. Мен бу мусобақаларда тенгизда отиш бўйича 50 ишонидан 42 очко олдим. У вақтда бу ўрнатки спорт мастери даражасини олдиш имкониятини берар эди. Мен жонжон Ўзбекистонга катта қўловчилар билан қайтдим ва отиш спортчи билан мунтазам шуғуллана бошладим. 1955 йилда Ўзбекистон чемпиони деган фахрий номини олдим.

Мен, врач-хирургман, Касааларини кўлаб операция қиламан. Тошкент медицина институтини ташкил қилиш билан бирга, СССР халқлари спартакиадасига системали тайёргарлик бериш. Тажрибали тренерим ўртоқ Багров раҳбарлигида мен ҳам Ўзбекистон тарма қандашга алоқ қилиш билан мунтазам шуғуллана бошладим. 1955 йилда Ўзбекистон чемпиони деган фахрий номини олдим.

Лев КОРОЛЕВ,

СССР спорт мастери.

Соғломлик ва тетиклик гарови

Мен 20 йилдан бундан спорт билан шуғулланаман. 1946 йилда узоқ масофага югуришда СССР спорт мастери унвонини олдишга эришдим. Спортнинг енгил атлетика ва бокс турлари бўйича ҳам машғулотларини осонлик билан бажара оламан. Лекин мен бу билан қаноатланмай қолмайман. Ҳар йилда кўн қирғатган муваффақиятларини янада мустақамлаш учун ўз устидан ишлашам, югуриш бўйича эришган рекордларни янгиланам. Бу йил ҳам Бутунитифоқ спартакиадасига актив иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдам.

Физкультура ва спорт билан шуғуллан

нингиз аҳамияти жуда катта. Киши соғлом ва тетик бўлади. Ҳар қандай оғир жисмоний меҳнатни ҳам бемалол қила оладиган бўлади.

Спортга қизиққан киши ҳар кунини ўз вақтида физкультура машғулотлари билан шуғулланиши, трениринг топиришлари билан ўз вақтида бажариши ҳамда спорт техникасини мустақамлаш ўзаштириб олсини керак. Ана шундангина кишининг организми ўрғиниб, мускуллари чиқинди. Ҳамда ҳар қандай спорт машғулотларини осонлик билан бажаридиган бўлади.

Фарида ҲАСАНОВА,

СССР спорт мастери.

Спортчиларимиз маҳоратида кўрик

ҳанизация техникалари олдидан боришлар. Шу йил август ойида ўтказилган шаҳар фобрика ва завод спартакиадасида тайёргарлик кўриш ишлари кучайтириб юборилди. Травматик-треллейбс паркида, «Таштескислам», «Алекторска», «Узбекселемаш» заводлари ва бокс корхоналарининг ёшлари ўз кучлари билан спорт майдончалари кўриб бўш вақтларда ўқув спорт ишларини олиб боришлар ва ҳеч бемалоллари ўртасида мусобақалар ўтказишлар.

Амалда аширилган тадбирлар натижасида шаҳардаги 10 та спортчи СССР спорт мастери нормативини бажарди. Улар орасида курашчи Р. Саидов, гимнастикачи Константин Сорин ва Эдуард Сиркин, отуви Виталий Хемистренко ўртоқлар ҳам бор. Яқинда бўлиб ўтган IX шаҳар спартакиадасида 14 спортчи республика рекордларини янгиландилар. Игорь Чурилин республикада биринчи марта шест билан 4 метру 20 сантиметр баландликка сакради. Юрий Крайский 1 метру 91 сантиметр баландликка сакраб янги республика рекордини қўйди. Шунингдек Рита Фатмаева диск отишда рекорд қўйди. Виктор Доманкин молотини 51,1 метрга иргитди. С. Лахов ҳам 1951 йилда қўйилган рекорддан ўтиб кетди.

Сураучилар, фехтовалчилар, сува сакровчилар, лигирбейчилар ва волейболчиларнинг сафи билимли ёшлар ҳисобига кенгайди. Яқинда Озарбайжон СССР тарма қандаш билан тошкентлик боксчиларнинг ўртоқчилиги учрашувида яхши натижага эришдилар. Бу йил шаҳардаги спортчилар сони 2750 кишига кўпайди. Уларнинг ҳаммаси разрядли спортчилардир. ГТО комплекси нақшасларининг сони 10 миң кишига ошди.

Лекин физкультура ва спорт ишлари физкультура ташкилотлари актив иштиро

кида ўтказилганда янада яхши натижалар берар эди. Физкультура ташкилотлари физкультура ҳаракатини тўғри йўлга солишларидир. Ёшларни спорт секцияларига ва мусобақаларга оқимай равишда жалб қила олмадилар. Масалан, шаҳардаги 25-мактабда, 18-ўрта махсус ўқув юртида ва кўпчилик санавт корхоналарида шу кунгача спорт секциялари ташкил этилмаган, мусобақалар мутлақо ўтказилмайдилар.

Воронцов номли «Таштескислам» заводига кейинги вақтларда релосеп, шахмат секциялари ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган. Завод ҳовлисидаги майдонча ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ёш катта корхона ҳисобланган Каганович номли заводда фадат футбол секцияси ишлаб турибди. Биринчи тикунчилар заводида ишлаб чиқарувчиларнинг танаффусларида гимнастика билан шуғулланишлари яхши шартин яратиб беришган. Лекин ишдан ташқари вақтларда ётоқхона ёшлари қарда машғулот ўтказишларини билмайдилар. Волейбол ва шахмат мусобақалари ўтказиш учун жой етишмайди.

Машғулки, спортга қизиқин болалар болаларида ва мактабларда бошланади. Шунинг учун ҳам мактабларда тарбия берувчи ташкилотларда физкультура ва спорт ишларини яхши йўлга қўйиш, ёшларни жисмоний жиҳатдан чиқинтириш катта аҳамиятга эгадир. Вақоаларини шаҳар мактабларида болаларни жисмоний тарбиялашга эътибор берилмайдилар. 1-4 синфларида физкультура дарсларини мутахассислар эмас, умумий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар олиб боради.

Мактабларда каникул бошланди. Шу кунларда шаҳар четларидида ва шаҳардаги пионер лагерларида, шунингдек мактабларда болаларни ҳар қил ўйинларга, спорт мусобақаларига қизиқтириш, сузишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

О. Грогеволь КХДР хукумат делегациясини қабул қилди

БЕРЛИН, 8 июнь. (ТАСС). АДН агентлиги билдириши: Германия Демократик Республикасининг баш министри Отто Грогеволь Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен бошчилигида Германия Демократик Республикасига келган Корея Халқ Демократик Республикаси хукумат делегациясини кеча қабул қилди.

Қабул маросимида немислар томонидан ГДР Министрлар совети президиумининг аъзолари Л. Болль, Г. Рау, О. Нухке, Г. Лох, П. Шольц, Ф. Эльснер ва К. Марон ҳозир бўлдилар.

Самимий вазиётда ўтган суҳбат вақтида ГДР билан КХДР ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масалалар, халқаро аҳвол ва Германия ҳамда Кореядаги аҳвол масалалари муҳокама қилинди.

Шу кунги Корея хукумат делегациясининг аъзоси, КХДР ташқи ишлар министри Нам Ир ГДР ташқи ишлар министри Л. Болль хузурида расмий визит билан борди. КХДРнинг ГДРдаги давлатида ва Мухтор Элчиси Пак Кыль Ён Нам Ирга ҳамроҳ бўлиб борди.

ЯПОНИЯ КОМПАТИЯСИНИНГ КАСАБА СОЮЗЛАРГА МУРОЖААТИ

ПЕКИН, 8 июнь. (ТАСС). Синхуа агентлиги билдириши. Яқинда Япония Коммунистик партияси мамлакатдаги касаба союзи ташкилотларига муурожаат қилиб, масалатчилар палатасига ўтказилган сыйловларда социалистик, коммунистик ва ишчи-деҳқон партияларини қўллаб-қувватлашга чакирди. Масалатчилар палатасига сыйловлар 8 июльда бошланган.

80 касаба союзи ташкилотига, шу жумладан Япония касаба союзи баш кенгашига ва касаба союзиларининг умум Япония кенгашига юборилган таклифда Коммунистик партия Марказий комитети қўйилганларни таъкиқлади: Компартия яқинда ўтказилган сыйловларда тинч-тотув алаш учун, мустабиллик ва демократия учун курашганда социалистик партия, ишчи-деҳқон партияси ва башқа демократик партиялар билан ҳамкорлик қилишни истади.

ПОЛЬШАДА АТОМ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРНАЗИ КУРИЛМОҚДА

ВАРШАВА, 8 июнь. (ТАСС). Варшава яқинда Польша атом академиясининг йилик атом тадқиқотлари маркази қурила бошланди. Бу ерда атом реакторини монтаж қилишда, илмий текшириш мақсадлари учун бир қанча билорлар қурилади.

«Трибуна людз» газетасининг хабарига қараганда, ҳозирги вақтда қурилинган тадқиқотлар ишлари таом бўлай деб қолди. Лабораторияларга алектр қуввати берилган кучли алектр симлари тортиб бўлинди. Қурилиш майдонига олиб келадиган йўллар, оғирлар, водопровод тармоқлари қуришмоқда. Ер ишлари бошланди ва атом реакторига ҳамда марказий лаборатория жойлашгандин биновининг пойдеворлари қурила бошланди.

Атом тадқиқотлари марказини қуриш совет техника ҳужжатлари асосида олиб боришмоқда.

ЭКОНОМИСТЛАРНИНГ БУТУН ПОЛЬША СЪЕЗДИ

ВАРШАВА, 8 июнь. (ТАСС). Варшавада экономистларнинг Бутун Польша съезди очилди. Съездининг ишда 800 дан кўпроқ олим, панааш орандарининг ходимлари ва хўжалик ташкилотларининг ходимлари қатнашмоқда. Биринча кун давом этадиган съезд Польшада иқтисодий фанларни ривожлантириш масалаларини ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига раҳбарлик қилиш проблемаларини муҳокама қилади.

П. Неннинг айтганлари

ВАРШАВА, 8 июнь. (ТАСС). «Трибуна людз» газетаси Италия социалистик партияси баш секретари Пьетро Неннингга газета муҳбири билан қилган суҳбатини эълон қилди. Ненни Италияда яқинда бўлиб ўтган муниципал сыйловларнинг натижаларига баҳо бериб айтдики, бу сыйловлар сўнга томон бўрилиш бортини ақдоқ кўрсатди. Социалистик партия, деди у, бир миллионга яқин янги овоз олди. Сыйловчилар оқимсида ўнгдан марказга ва марказдан сўлга бурилиш рўй берди.

Ненни Италиядаги ишчи партияларининг биргалишиб ҳаракат қилишлари мумкинчилигига тўхталиб, мамлакатдаги ишчи ҳаракатининг ҳамма секторлари ўртасида муносабатлар яхшиланганини мумкинчилигини айтиб ўтди. Бироқ, деди Ненни, Италия социал-демократик партияси

барча ишчи кучларининг биргалишиб ҳаракат қилишга қарши чиқини давом этдирмоқда. Шу сабабли у яқин ёзда таъйиққа: ўз аъзоларининг ҳамда раҳбарлиқдаги сўла қанотининг таъйиқига урмоқда.

Социалистларнинг, — деди сўнгра Ненни, — коммунистик партия билан алоқасини бирор даражада узиб юбориши мумкин, деган проблема йўқ, Ишчилар синфининг, меҳнатчиларнинг халқаро кескинлигини юмшатиш учун, тинчлик учун, давлатни ва жамиятини демократлаштириш учун олиб бораётган курашини авж олдириш бизнинг вазифамиздир. Алоқани узил тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, олға боришни керак, шунинг учун ҳам биз олға борамиз.

Вьетнам Демократик Республикаси баш министри ва ташқи ишлар министрининг Ҳинди-Хитойга бағишланган Женева кенгаши раисларига нотаси

ХАНОЙ, 8 июнь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрининг матбуот бўлими Вьетнам Демократик Республикасининг баш министри ва ташқи ишлар министри Фам Ван Донг томонидан Ҳинди-Хитойга бағишланган Женева кенгаши раисларига шу йил 4 июнда юборилган нотанинг тексини эълон қилди.

Нотала айтилиши, Женева битимларини қаттиқ турлиб бажаришдан иборат ўзининг ўзгармас есибатида солиқ бўлган Вьетнам Демократик Республикасининг хукумати Ҳинди-Хитойга бағишланган Женева кенгаши раислари томонидан Вьетнам Демократик Республикаси хукумати ва Ҳануи Вьетнам хукумати, Франция хукумати ҳамда Вьетнамдаги кузатини ва контролик қилиш Халқаро комиссияга юборилган муурожаатлариди тавонларини таъкиқлайди.

Вьетнам Демократик Республикасининг хукумати, — дейлади сўнгра нотала, — ҳар иккала зонадаги хукуматлар Женева битимларини бундан бун ҳам бажариш учун жавобгардирлар, деб раисларнинг айтган фикрларига қўйилди. У, Ҳануи Вьетнам хукумат маъмурулари ҳам Женева битимларини бажаришлари лозим деб ҳаммаша ҳисоблаб келди. Тинчликни мустақамламоқ ва Женева битимлари асосида мамлакатни бирлаштириш учун жавобгарлиги Вьетнам Демократик Республикаси хукуматининг ҳам, Ҳануи Вьетнам маъмуруларининг ҳам зиммасидир. Шунга қарамай, Ҳануи Вьетнам маъмурулари мамлакат бирлиги тўғрисидаги муаммаларга байнонлар нибойи остида Вьетнам Демократик Республикаси хукумати билан консултиватив конференция ўтказишдан баш тормоқдалар.

КАЛЬКУТТАДА РАДИОАКТИВЛИК КУЧАГАНЛИГИ ҚАЙД ҚИЛИНДИ

ДЕХЛИ, 8 июнь. (ТАСС). «Таймс оф Индия» газетаси хабар беради: Калькутта университетини хузуридаги илмий-тектиринг институтининг маълумотларига қараганда, 21 майда Калькуттада радиоактивлик анча кучайганлиги — космик нурларнинг радиоактивлигини 30 баравар кўпроқ бўлганлиги қайд қилинган. Монте-Белло оролларида 16 майда Англия атом бомбасининг ва Энвиреток маржон ороллари раёнида 20 майда Америка водород бомбасининг синаб қўрилганлиги натижада шундай ҳолиса рўй берди, деб фарз қилишмоқда.

Токио аҳолисининг сони

НЬО-ПОРК, 8 июнь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги муҳбири Токиода олиб қилиб беради: бугун бу ерда эълон қилинганга қараганда, Токио аҳолисининг сони 1956 йил 1 майда 8 миллион 194 миң 283 кишидан иборат бўлган, шундан 4 миллион 219 миң 850 киши эркаклардир.

спорт майдончасини қуришга ҳам эътибор берилмайдилар.

Шаҳар паркларига физкультура ишлари кескин даражада яхшилаш зарур. Чунки меҳнатчилар паркларига волейбол майдончаларида, теннис столлида ёки шахмат тахтаси ёнида ҳам олдиниш ҳолайдилар. Ҳозирча бундай маданий дам оладиган жойлар паркларда етарли эмас. Максим Горький номли шаҳар болалар паркда спорт базалари яхши жиҳозланмаган.

Айниқса енгил атлетика ва сузиш бўйича қўнга қирғатилган ютулар татайба жавоб бермайдилар. Шаҳарда спортнинг бу турлари билан шуғулланадиган ва 1-разряд нормативини бажарётган 20 га яқин спортчи бор, ҳодос. Волейболчи ва баскетболчилар ҳам мусобақаларга актив иштирок этиштирадилар.

Агарда шаҳар физкультура ва спорт комитети физкультура коллективларининг иш билан қизиқиб уларнинг талабларини амалга оширганда ва спорт жамиятларининг бу физкультура комитетларига амалий ёрдамга кучайтирганда ва берган ламчиллар бартараф қилинган бўлар эди.

СССР халқлари спартакиадасининг бошланғичида оқ қолди. Лекин шу қисқа давр ичида моддий базалари мустақамлаш, оманияи физкультура ҳаракатини янада кучайтириш, ва спортчиларнинг маҳоратларини ошириш соҳасида кўп ишлар қилиш мумкин.

Тошкентда IX республика спартакиадасининг ўтказилиши СССР халқлари спартакиадасида Ўзбекистон ишонини ақлайдиган тажрибали спортчиларнинг етишиб чиқиниши таъминлайди. Бундан унча спортчилар, тренерлар ва барча физкультура ходимлари ишининг қўлини билган ҳолда барча куч ва қобилиятларини ишга солишлари керак.

Т. МАРИШЕВ,

Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитетининг раиси.

ЯПОНИЯ КАБИНЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ТОКИО, 8 июнь. (ТАСС). Киодо Пусли агентлиги хабар беради. Бутун Япония Министрлар кабинети балиқ олам тўғрисидаги Япония-Совет конвенциясини ва денгизда халокатга учраган қийиларга ёрдам бериш ҳақидаги битихи таъкиқлади. Бу конвенция ва битим шу йил 14 майда Москвада имзоланган эди.

Хроника

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Лазарь Мойсеевич Нагановичнинг ўзини СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат Комитети Раислиги вазирафандан овоз қилиш тўғрисидаги латимосини қондирди.

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Александр Петрович Волинни СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат Комитетига Раис қилиб тайинланди.

Редатор 3. ЕСЕНБОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёши бино) — 10/VI да Гамлет, 12/VI да Оғрик тиншлар.

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VI да кундуз Бокчасарой фонтани, кечкурун Евгений Онегин, 12/VI да Вертер.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VI да Азиз ва Салом, 11/VI да Ҳамза номли театрининг ёши биносида — катта концерт.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ВШ ГВАРДИЯ», «УЗ-БЕКИСТОН» (сундуз ва кечкурун), «ИСКРА» (кундуз) Данте кўчасидаги қотилиш.

«ИСКРА» — кечкурун Тўқизинчи палата, 3-залда кундуз соат 4-20 минутда Либерида ва бошқалар.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«БАТАН», «ИСКРА», «ХИВА» «ИСКРА» (Кафанов номли парк) Данте кўчасидаги қотилиш.

Максим Горький кўчаси, Хунарманд проезд, 2-туник, 1-уйда турувчи Самуел жон Дадажонович Исаевнинг Чигатой кўча, Мухомова проезд, 4-туник, 27-уйда турувчи Мурват Исаевдан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Москва район, 2-участка халқ судида кўрилади.